

**Умумий мулк — устахона бўлинган тақдирда, ундан мақсадли фойдаланиш имконияти йўқолиш-йўқолмаслиги борасида тегишли мутахассисларнинг хулосаси олинмаганлиги сабабли суд қарори бекор қилинди.**

Б.Жўраева судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, собиқ турмуш ўртоғи М.Жўраев билан умумий мулклари бўлган мисгарлик устахонасини натура шаклида бўлишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан Б.Жўраеванинг даъво талаби қаноатлантирилиб, 50 кв.м.да жойлашган мисгарлик устахона биноси М.Жўраевнинг фойдаланишида қолдирилиб, Б.Жўраеванинг фойдасига устахона биносидаги улуши ҳисобига 3.495.821.50 сўм ундирилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2011 йил 24 февралдаги ажримига кўра, ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, устахона биноси суд қурилиш-техник экспертизаси хулосасига асосан улушлардан бир мунча чекланган ҳолда иккига бўлиб берилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 26 сентябрдаги ажрими билан иш бўйича қабул қилинган вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **”Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”**ги 22-сонли қарори 33-банди иккинчи хатбошисига кўра, эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл холида бериш масаласини ҳал этишда суд мулкнинг характери ва қандай эҳтиёж учун мўлжалланганлигини, сотиб

олиш шартларини ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни эътиборга олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари ва мусаввирлари “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармасининг 2010 йил 14 декабрдаги маълумотномасида хусусий устахона бўлинган тақдирда оддий темирчилик буюми ишлаб чиқариш учун ўта зарур бўлган ягона технологик жараён бузилиши қайд этилган.

Кассация инстанцияси низоли устахона бўлинган тақдирда, ундан мақсадли фойдаланиш учун имконият бор-йўқлиги хусусида тегишли мутахассисларнинг асослантирилган хулосасини олиш ёки экспертиза ўтказиш масаласини муҳокама қилмаган.

***ФСХ-330-11-сонли ажрим***